



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

БОҒИШАМОЛДА ЯНГИЛАНИШ НАСИМИ

қишлоқнинг кўрқига кўрк,
хонадонлар файзига файз қўшмоқда

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари қатори Бекобод туманида ҳам "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасидаги қуриш, ободонлаштириш ишлари пухта режа асосида бошлаб юборилди. Хусусан, бу йил туманда битта касб-хунар коллежи, иккита мактаб қуриб, ишга туширилади. Еттига мактаб тўққончи қишлоқда барпо этилиши режалаштирилган агросервиси ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи 615 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, тендер танлови жараёнида белгиланганидек, 2 миллиард 620 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиши назарда тутилган. Сарюз қишлоқидagi 420 ўринли 24-мактаб, Тақачи қишлоқидagi 380 ўринли 39-мактаб бир йўла спорт заллари билан бирга барпо этилади.


"Боғишамол" маҳалласи фуқаролари ҳам ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш тадбирларини уюшқоқлик билан олиб бор-

моқдалар. Ҳашарлар уюштирилиб, маҳалла худуди тартибга келтирилди, кўлаб мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди.

Маҳалладаги тубдан таъмирлаш дастурига киритилган 422 ўринли 13-мактабда иш қизгин. "Холматов Абдумутал" хусусий корхонасининг 30 нафар қурувчиси таъмирлаш суръатини кун сайин ошираяпти. Улар ушбу объектда 435 миллион 765 минг сўмлик иш бажаришлари лозим.

Ишни 5 январда бошлаган эдик, - деди хусусий корхона раҳбари Абдумутал Холматов. - Ҳозиргача қарийб 200 миллион сўмлик иш бажариб қўйдик. Суръат чакки эмас. Тендер шартномасида белгиланганидек, таъмирни 20 июнгача тугатиб, янгилашган мактабни қабул комиссиясига тақдим этишга бемалол улгураимиз.

СУРАТАДА: корхона қурувчилари ўз ишидан мамнун. Даврон АХМАД олган сурат.



КИЧИК БИЗНЕС - ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Бугун барчага яхши аёнки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини яхшилаш билангина тараққиётга эришиш, жаҳон мамлакатларида муаммо туғдирётган молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш мумкин.

Вилоят ҳокимлиги, давлат солиқ қўмитаси, вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат бўлимлари, банк, солиқ идоралари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида вилоятимиз туман ва шаҳарларида ўтказилган ҳудудий семинар-йиғилишлар мавзуси бугуннинг ана шу долзарб вазифаларига қаратилди.

Янги йил, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка ва Оҳангарон туманларида ўтган бу семинар-йиғилишлари вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

Ҳудудий йиғилишларда сўзга чиққанлар иқтисодийнинг муҳим бўғини ҳисобланган кичик бизнеснинг бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тез мослаша оладиган бўлиши, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш айнан шу тармоқнинг ривожига боғлиқ эканлигини таъкидлашди. Шу боис Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янги ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит ҳамғармаси ресурс базасини икки бараварга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун солиқ ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди. Хизмат кўрсатувчи микрофирмалар, кичик корхоналар ягона солиқ тўловдан 3 йил муддатга озод этилди.

Тармоқни ривожлантиришга бел боғлаган, илғор ва фойдали ташаббуслар билан чиққан тадбиркорларни тегишли идоралар, маҳаллий ҳокимликлар қўллаб-қувватлашлари, керакли хужжатларини расмийлаштиришда уларга қўнун доирасида ёрдам беришлари зарур. Токи, тадбиркор ўз фаолияти ваколати доирасида етук билимга, ҳуқуқий тушунчага эга бўлсин.

Жаҳоннинг кўлаб мамлакатларида тобора чуқурлашиб бораётган молиявий-иқтисодий инқирознинг сабаб ҳамда оқибатлари республикамиз ҳуқуқати томонидан тўғри баҳоланиб, унга қарши самарали чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда 85 минг қўшимча иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Вилоятдаги тижорат банклари томонидан шу мақсадларга 112 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш, солиқ ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларига, ноқонуний текширишларига чек қўйиш масалалари юзасидан ҳам фикрлар билдирилди. Мамлакатимиз иқтисодий таъминоти, ҳақ турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, кичик бизнес ва сервис соҳасини кенг йўлга қўйиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг жаҳият қурилишидаги фаолиятини янада жонлантириш юзасидан аниқ вазифалар белгилана олиниди.

Энг муҳими, бундай тадбирларда иштирокчилар ўзларини қизқитишга саволларга маҳкам жавоб беришлари. Тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоларга биргаликда ечим излашди. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини вилоят ҳокимлигида жойларда ўтказилаётган йиғилишларда белгиланган вазифаларнинг ижроси натижаларини кўриб чиқиш ҳақида келишиб олиниди.

Ҳудудий семинар-йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Париев иштирок этди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

НАВРЎ ТУҲФАЛАРИ

БЎСТОНЛИК

Сўлим тоғ қишлоқлари аҳолиси ҳам Наврўз айёмини муносиб совғалар билан нишонламоқдалар. Тоғлик тадбиркорлар томонидан бунёд этилган савдо дўконлари ўз фаолиятини бошлади. Ҳазилкент шаҳри ва паргосликлар учун янги савдо мажмуалари бир қатор қўлайликлар туғдиряпти.

Шунингдек, Ҳўжакент ва Сойлик қишлоқларида чорвадорлар учун ем маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи 3 та шахобча ташкил этилди.

ПАРКЕНТ

"Истиқбол" маҳалласида янги гишт заводи бунёд этилди. Ўзбекистон қўчасида озик-овқат, қурилиш моллари билан савдо қилувчи дўконлар ишга тушди.

Сўлим гўша соф табиати асраш мақсадида "Сурхи" маҳалласида автомобильларга сиқилган газ қўйиш шахобчаси очилди. "Бодомтепа" маҳалла аҳолиси эса барча қўлайликлар мавжуд янги тиббий хизмат кўрсатиш шахобчасига эга бўлди.

КИБРАЙ

Маҳаллий тадбиркорлар миқозлар маиший турмуш даражасини янада кўтариш борасида тумanning 5 та ҳудудида сифатли ҳамда қўлай хизмат кўрсатувчи шахобчалар ташкил этилди. Бу Зебунисо қўчаси, Салор шаҳарчаси ва ёнариқлик истеъмолчилар учун энгиллик туғдирмоқда.

Оққовоқда бунёд этилган сўлим чойхона маҳаллий аҳолининг маданий ҳордиқ чикариши учун хизмат қилади.

ТОШКЕНТ

Туман молия бўлими жамоаси фаолиятини янги бинода давом эттираётган бўлди. Шунингдек, турли ҳудудларда очилган сартарошхона, этиқдўзлик, дорихона ва озик-овқат дўконлари эл хизматига шай. Гўштини қайта ишлаш цехи дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Бундай корхонадан яна бири Қизғалдоқ қишлоғида очилмоқда. Ҳасанбойдаги ем маҳсулотлари дўкони бундан бунён маҳаллий аҳоли чорчаси учун кўп турдаги маҳсулотлар етказиб бера бошлайди.

ЎЗБЕКИСТОН-ТОЖИКИСТОН ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Илмомали Раҳмон томонидан 2002 йил 5 октябрда Душанбе шаҳрида имзоланган Ўзбекистон-Тожикистон Давлат чегараси тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши маросими бўлди.

Ҳозирги вақтда барча зарур ички давлат процедуралари тегишли тартибда якунига етказилган. Шартноманинг 9-моддасига мувофиқ, у 2009 йил 24 мартдан, яъни Ратификация ёрлиқларини алмаиши тўғрисидаги протокол имзоланган кундан кучга киради.

Шартнома икки мамлакат ўртасидаги Давлат чегараси ақсарият қисмининг буғунги кунга қадар маъқулланган ўтиш линиясини тасдиқлайди.

Икки давлат ҳукуматлари аро комиссиялари ишининг навбатдаги босқичи 2009 йил охиригача қолган кичик участкаларни делими-

тация қилиш жараёнини якунига етказиш ва Ўзбекистон-Тожикистон Давлат чегарасини халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос равишда демаркация қилишдан иборатдир.

Шартноманинг кучга кириши Давлат чегарасининг қисқа фурсатда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига, ҳавфсизлигини таъминлашга, икки мамлакатнинг ҳамкорлигини дўстлик ва яхши кўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлик асосида янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ў.А.

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини химоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТАРҒИБОТ САМАРАСИ ОШАДИ

Бу борада амалга оширилаётган илғор чора-тадбирлар натижасида фуқароларнинг инсон манфаатларини қўзловчи қўнунлар моҳиятини чуқур англаб, улардан унумли фойдаланишга бўлган интилиши тобора кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиққан тадбирлар режаси илғор амалга оширилмоқда. Республика Юристар малакасини ошириш марказида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларининг ахборот хизмати ходимлари учун ташкил этилган ўн кунлик ўқув курси ҳам шу мақсадда ўтказилмоқда.

Тадбир давомида тингловчилар суд-ҳуқуқ соҳасининг малакали мутахассисларидан соҳада амалга оширилаётган илғор чоралар, қабул қилинаётган янги қўнунлар моҳиятига оид батафсил маълумот оладилар. Иштирокчилар марказий газета ва журналлар, телевидение ва радио, шунингдек, республика Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги каби бир қатор идораларда ташкил этиладиган амалий машғулотларда иштирок этадилар.

Ў.А.



ҚЎШМА СЕССИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Вилоят ҳокими, 36-сайлов округидан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Рустам Холматов Сенат аъзоллигига сайланди.

Қўшма сессияда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Уллубек Абдусаломов иштирок этди.

СУРАТАЛАРДА: сессия иши ва Сенат аъзосини сайлаш пайтида. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ТЕЖАМҚОР УСУЛ - ДАРОМАД МАНБАИ

Тошкент ирригация ва мелiorация институтида "Атроф-муҳит муҳофазаси" мутахассислиги бўйича таълим олаётган талаба ёшларнинг билим ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида "Атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш мониторинг лойиҳаси" яратилди.

Шу лойиҳа доирасида қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими ҳам юзага келди. Тошкент вилояти шароитида олиб борилаётган тажриба-синов натижалари бу тизим экин майдонлари самарадорлигини оширишнинг энг мақбул усуллари бири эканлигини кўрсатди.

Муҳими шундаки, бунда ерларнинг мелiorатив ва ҳудуднинг экологик ҳолати яхшиланиб, сувдан тежамли фойдаланиш имкони туғилади.

Бу тақриф асосида ҳар гектар ердан 155 минг сўм атрофда қўшимча даромад олиш мумкин.

Ақбар АЛИЕВ.



ХАТ-ХАБАР ЯНАДА ТЕЗРОҚ ЕТКАЗИЛАДИ

Наврўз байрами муносабати билан Қибрай ҳамда Бўстонлик туманлари почта бўлиmlарига 2 донa "Дамас" автомобилли ажратилди.

Автоуловларни топшириш маросимида "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти ва унинг вилоят филиали вакиллари иштирок этишди.

Худудимиз катта бўлганлиги боис аҳолининг хат-хабарлари ҳамда газета ва журналларни ўз вақтида етказиб беришга қатор

қийинчиликлар юзага келаётгани, - дейди "Ўзбекистон почтаси"нинг Қибрай туман филиали раҳбари Бахтиёр Рафиқов. - Энди бу муаммо бартарф этиладиган бўлди.

СУРАТАДА: автомобиллар ўз эгаларига топширилди.

ЭКИШГА ЭКДИК, КЎКАРТИРА ОЛАМИЗМИ?



Эътироф этиш керакки, 2009 йил юртимизга кутлук келди. Бу Мустақиллигимизнинг ўн саккизинчи йиллиги яхши ният билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берилганлигининг шарофати бўлса ажаб эмас. Эро, халқимизнинг "Яхши ният – ярим давлат" деган нақлида ҳикмат кўп.

Карангки, юртни обод, турмушни фаровон қилишни дилига тугиб, астойдил енг-шимарган халққа табиатнинг ўзи ёрдамга келди. Қишнинг охири, кўкламнинг боши серёгин келиши – бўлғуси кут-барака, тўкин-сочинликдан дарак. Экиш, яратиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш учун бунданда қулай шароит, имконият қайда бор?

Галнинг индаллосини айтганда, қуриш, янгилаш, яратиш, яшнатиш – ўзбек халқи, жумладан, вилоятимиз меҳнат қилишга асосан, балки азалий одат, айтиш мумкинки, миллий қадриятлардан бири. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросига муносиб ҳисса қўшиши, шунингдек, кўкламнинг серёгин кунларидан самарали фойдаланиш мақсадида бу йил баҳорги аънавий кўчат экиш мавсу-

мига ҳар қачонгидан ҳам уюш-қоқлик ва ўзгача кайфият, ўзгача шахд билан киришилди. Шу билан бир вақтда беистисно, ҳамма жойда қуриш, таъмирлаш, сайқал бериш ишлари кенг кўламда авх олиб кетди.

Статистика маълумотларига қараганда, бу йил кўчат экиш тадбирлари иштирокчилар сони жиҳатидан ҳам, бажарилаётган ишларнинг ҳажми жиҳатидан ҳам аввалги йиллардан кескин фарқ қилади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида боғча боласидан тортиб табарруқ ёшдаги бобо-момоларгача иштирок этишяпти, десак мубо-лага бўлмайди. Йилнинг ўтган даврида вилоятимиз бўйича бир неча миллион туп меваги ва манзарали дарахт, турфа гул кўчатлари экилди.

Таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг ҳаммаси вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил

этилган ҳудудий ишчи гуруҳлари бошчилиги ва бевосита амалий ёрдамда, шунингдек, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили учун тузилган махсус дастур асосида амалга оширилмоқда. Шу боис уюш-қоқлик ва ташаббус ҳар қачонгидан ҳам кучли. Бу ҳол 14-15 март кунлари Наврўзга бағишлаб ўтказилган умумхалқ ҳашарида, айниқса, аққол намоён бўлди.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг маълумотларига қайт этилишича, умумхалқ ҳашарида вилоятимизнинг қарийб 1 миллион 790 минг аҳолиси фаол иштирок этди. Бирорта корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллий фуқаро ҳашардан четда қолмади. Шу икки кун давомида 9150 гектар майдон ободонлаштирилди. 8470 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари йиғиштириб олиниб, махсус жойларга ташиб кетилди. 5120 километр узунликдаги суғориш шаҳобчалари тозалади, тартибга келтирилди. 773 та зиёратгоҳ ва қабристон орасталанди.

Одатдагидек, умумхалқ ҳашари давомида янги боғлар,

хиёбон ва гулзорлар барпо этиш, дарахт ва гул кўчатлари экишга алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда жами 978 минг 600 туп манзарали, 1 миллион 258 минг 900 туп меваги ва 157 минг туп туп дарахти кўчатлари ўтказилди. Сайлгоҳ ва хиёбонларда, кўча ва йул бўйлари ҳамда хонадонларнинг олдида 1 миллион 789 минг тупдан зиёд турфа гул кўчатлари экилди. Экилган терак кўчатлари ва қаламчаларининг эса сон-саногини йўқ.

Кўриниб турибдики, йил бошидан буён амалга оширилган ишларнинг кўлами ҳақиқатан ҳам беқиёс. Бирок, кўчат экиш ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ниятидаги саъй-ҳаракатларнинг дебочаси, холос. Асосий маддаси экилган барча дарахт ва гул кўчатларининг амал олиши, туп кўйиб, барг ёзиши ва вақти келиб мева беришида, чаман бўлиб очилиб, дилларга завқ ва қувонч бахш этишида. Шундай экан, эндиги вазифа экилган барча кўчатлар парваришини ҳам уюш-қоқлик билан давом эттиришдир. Бунинг учун тез-тез

бўлиб турган ёғингарчилик ва намгарчилик қулай шароит яратаяпти. Бундай табиий имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун ҳар қанча туп кўчат атрофида парвона бўлиш, уларнинг аҳоли ва ривожидан узлуксиз хабар олиб туриш, авайлаб-асраш чораларини кўриш минглаб фуқароларнинг йил бошидан яхши ният, эзгу мақсад билан қилаётган саъй-ҳаракатлари қутилган самараларни беришининг муҳим шартини эканлигини англаб етмоқ лозим.

Деҳқоннинг меҳнатига ҳосилнинг даладагисига эмас, хирмондагисига қараб баҳо берилади. Худди шунингдек, асл боғбонлар меҳнатининг пировард натижаси қанча туп кўчат экилгани эмас, уларнинг қай даражада кўкариб, ҳосил бериши билан ўлчанади. Демак, кўчат экиш қанчалик шарафли бўлса, унинг парвариши учун ҳар қанча кўчат ва шунчалик зарур вазифа эканлигини унутмаслик лозим. Эро, бу яхши ният билан бошланган хайрли ишнинг рўёбга чиқишини таъминловчи асосий омилдир.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ ИШЛАЯПТИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонун ҳужжатлари талабларининг ижроси, хўжалик юртувчи субъектларда ўтказилаётган текширишларни тартибга солиш ҳамда экологик ҳолатни соғломлаштиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга ошираяпти.

"Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чораларини таъминлаш тўғрисида"ги Фармонларини бажариш мақсадида вилоят қўмитасида ишонч телефонлари ишлаб турибди.

Ушбу телефонлар орқали фуқаро ва тадбиркорлар табиатни муҳофаза қилишга доир ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари, жойларда содир этилаётган экологик қонунбузарликлар ҳақида хабар беришлари мумкин. Фуқароларимиз бу билан барчага тегишли хайрли ишга муносиб ҳисса қўшган бўлардилар.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси "Ишонч телефонлари":
8-371-266-78-68,
8-371-266-85-85.



Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

Атроф-муҳитнинг софлиги саломатлигимиз учун ниҳоятда зарурлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Яхши биламизу, лекин бунинг учун ҳамиша ҳам жон куйдирмаймиз.

ЯХШИ БИЛАМИЗУ, АММО...

Саноат, коммунал-маиший ва қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалар қўлланилаётганлиги, шунингдек, шахсий ва жамоат транспорт воситаларининг йилдан йилга кўپайиб бораётганлиги атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашни кучайтиришни тақозо этмоқда. Бунинг табиатга таъсирини камайтириш эса ўз қўлимизда. Амалдаги қонунқоидаларга қатъий риоя этилса, атроф-муҳитнинг софлигига ҳисса қўшилган бўларди. Афсуски, бу долзарб масалага ҳамма ҳам бирдай қарамайди.

Туманимиз корхона ва ташкилотлари ишлаб чиққан экологик мезёрий ҳуж-

ОЛДИНИ ОЛГАНИМИЗ МАЪҚУЛ

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида у ёки бу давлатда парранда гриппи аниқланганлиги ҳақида маълумотлар тарқатилмоқда. Илк бор 1997 йили Гонконгда пайдо бўлган хасталик вируси шу пайтгача ўнлаб давлатларда аниқланди. Дунё мамлакатлари бу хатарга қарши кураш йўллари излашга бел боғлаганига қарамай, ҳозиргача унинг олдини олишнинг бирорта самарали усули топилмапти.



Парранда гриппи вируси асосан паррандаларда, шунингдек баъзи ҳайвонларда, ҳатто, одамларда ҳам учрайдиган юқумли касалликдир. У уй паррандаларига асосан, сувда сузувчи ёввойи қушлардан юқди. Шу тўғрисида одамлар ўз паррандаларини имкон қадар ёввойи қушларга яқинлаштирмаслиги лозим. Шунингдек, уларни қуруқ, иссиқ жойларда сақлаш, тўйимли озуқа билан боқиб муҳим аҳамиятга эга. Парранда гриппининг олдини олишда ёввойи паррандаларини тутиш (овлаш)ни тақиқлаш ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозир мамлакатимизда сув паррандаларини овлашни тақиқловчи ҳукумат қарорлари амалда.

Туманимиз Қозғоғистон республикаси ва Сирдарё вилояти билан chegarдош. Худудда учта очик сув ҳавзаси – Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари, Бўзсув канали бўлиб, кўчиб юрвчи қушлар асосан шу сув ҳавзаларига қўниб ўтадилар. Қўми-

тамиз парранда гриппининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида туман факултада вазиятлар бўлими ва тегишли хизматлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Тегишли идораларга аниқ вазифалар юқаниб, ижросини мувофиқлаштириб бориш мақсадида штаб ташкил этилган.

Очик сув ҳавзаларида қишлайдиган ва мамлакатимиз худудидан ўчиб ўтадиган қушларни кузатиш, дарё бўйларида нобуд бўлган қушлар топилганда зудлик билан тегишли

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шундай дейилади: "Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар". Бинобарин, она-табиатимизни асраш ва уни келажак авлодларга бот гўзаллиги билан етказиш ҳар бир фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

ЭНДИ ЧАНГ КАМАЙИБ БОРМОҚДА

Бизнинг шаҳар махсус таҳлилий назорат нозирлиги ходимлари ҳам табиатни асрашдек хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўтган йил давомида "Ўзметкомбинат", "Бекободцемент" корхоналарида республика Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан берилган қўрсатмага асосан текширишлар ўтказилди.

Мониторинг давомида "Ўзметкомбинат" корхонасидаги сувни тозаладиш ишларида сорбент қўшилмаси ишлатилаётганлиги сабабли чиқинди сув аввалги йиллардагига нисбатан анча тозалиги аниқланди. Шунингдек, атмосфера ҳавосига чиқариладиган чангни тозаловчи махсус ускуналар қайта таъмирланди. Бу билан ҳавога ифлос чиқиндилар кичишига чек қўйилди.

"Бекободцемент" ҳиссадорлик жамятида атмосферага чиқариладиган чанг, ифлос моддаларни тўплаш мисоламаси ишга туширилди. Натижада олдингига нисбатан атмосфера ҳавосига чиқариладиган чанглар камайиб бормоқда.

Толиб РИСБОВ, Бекобод шаҳар махсус таҳлилий назорат нозирлиги етакчи мутахассиси.

ҲОЗИР БАЛИҚЛАРНИНГ УРЧИШ МАВСУМИ

Балиқчилик – етти хазинанинг бири. Охири йилларда бу неъматдан фойдаланиш билан боғлиқ мумамлолр кўпайиб бормоқда. Енгил йўл билан мўмай пул топиш кетидан қуваётган айрим шахслар ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Улар электр токи ва бошқа воситалар ёрдамида табиий ҳавзалар ва дарёлардаги балиқларга қирон келтирмоқдалар.

Балиқчиликни ривожлантириш мақсадида вилоят худудида 2009 йилдан бошлаб янги хўжаликлар ташкил этишга киришилди. Хусусан, Окқўрғон тумани худудида тўртта балиқчилик хўжалиги фаолият бошлади. Ҳавзаларга 50 минг дона турли хил балиқ чавақлари ташланиб, парвариш қилинмоқда.



Тумандаги балиқчилик хўжаликларини ўнтага етказиш режалаштирилган. Бу 2010-2011 йилларга бориб ҳудуднинг ўзида салкам 100 тонна балиқ етиштири-

лади, деган гап. Маълумки, март ойидан 1 июнга қадар балиқларнинг урчиш даври давом этади. Бу даврда уларга зиён етказмаслик шарт. Ҳар биримиз бу мавсумни муваффақиятли ўтказиш, балиқ захираларини кўпайтиришга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Бунинг учун ҳайвонот дунёси муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинса қиёфа.

Саид ИДРИСХЎЖАЕВ, Окқўрғон тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

ТУТ КЕСИШНИНГ ЖАВОБИ БОР

Тутзорлар, йўл ёқалари, ариқ бўйлари ва дала четларида экилган яқкатутлар пиллачиликнинг асосий негизи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу соҳада бой берилган имкониятларни қайта тиклашда катта аҳамият касб этди.

Эндилкида кўчат етиштириш, янги тутзорлар барпо этиш, мавжудларини агротехника талаблари асосида парварилаш, ҳар турли касалликлар, айниқса, тут парвонаси, ўргимчакканадан жимоя қилиш ишлари анча жонланди. Кейинги йилларда ширкат хўжаликларни тугатилиб, улар негизда фермер хўжаликларининг барпо этилиши натижасида ҳам бу соҳага янги муносабатда, хусусий мулк сифатида ёндошилмоқда.

Туманимизда ҳар йили 100-120 минг туп тут кўчатлари ўтказилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бундай гайриқонуний ҳаракатларга чек қўйиш чораларини кўрмоқда. Жумладан, 2008 йилда 22 та шундай ҳолат аниқланиб, қонунбузарларга 1 миллион 730 минг сўм ва 2009 йил бошидан буён 15 та ҳолат бўйича 1 миллион 929 минг сўм жарима солинди.

Илхом АЗИМОВ, Бўқа тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспектори.

ТОМЧИ СУВНИНГ СЎРОҒИ



Сув табиатнинг бебахо инъомидир. Хўш, шундай экан, биз шу табиат неъматини қадрлаб, ундан тежаб-терғаб фойдаланаяпмизми? Афсуски йўқ.

Яқинда Янгибозор шаҳарчасидаги бир хонадонга таширф буюрдиқ. Водопровод жўмрагидан шариллаб сув оқиб ётарди. Бу ҳақда хонадон эгасига танбех берганидир: "Совуқда музлаб қолмасин деб, очиб қўйганидир", деди бепарволик билан.

Инсоннинг умр кечирishi ва табиатнинг гуллаб-яшнаши учун зарур неъматлардан бири сувдир. Шу боис унинг ҳар қатраси олтинга қийсланади. Сувга тупуриш, унга ахлат ташлаш ахлоқсизлик ҳисобланади. Аксинча, ариқ қазиб, сув келтирилганларни эл доимо ҳурмат билан тикиб олади.

Ўтган йили туман прокуратураси, давлат санитария эпидемиология назорати маркази ва қўмитамиз ходимлари билан ҳамкорликда мониторинг ўтказилиб, бир қатор корхона ва фуқаролар сувнинг ифлосланишига ҳамда қонун талаблари бузилишига йўл қўйганликлари аниқланди. Айбдор мансабдор ва фуқароларга 187 минг сўм жарима қўлланилиб, ундирилди.

Олим АБДУЛЛАЕВ, Юқоричирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин асосий мақсадимиз бу эмас. Демакчи бўлганимиз, сувни беҳуда оқизиб қўйиш ва ифлослантириш оқил кишиларнинг иши эмас. Шу боис, сувдан тежаб-терғаб, исрофгарчиликсиз фойдаланиш зарур. Буни ҳар бир фуқаро ёдда тутиши лозим.

Саҳифани вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари Абдусамид Йўлдошев ва Хуршида НАЗАРОВА тайёрлади.



СИРОЖИДДИН — ЭНГ ЗҲР ТҲПҲРАР

Эндигина ўн тўрт ёшга тўлган Сирожддин Тошпулатов Наврўз байрами арафасида Самарканд шаҳрида 13-14 ёшли болалар ўртасида футбол бўйича ўтказилган 2-халқаро турнирда энг яхши тўпура деб эътироф этилди. Ёш футболчи мусобақалар давомида ра-

киблар дарвозасини 6 марта забт этди.
— Жамоамизнинг бошқа бир ўйинчиси — Азиз Матмусаев эса ушбу турнирда маҳоратини намойиш этиб, "Энг яхши ярим ҳимоячи" номига сазовор бўлди, — дейди "Ўзметкомбинат" акциядорлик иш-

лаб чиқариш бирлашмаси "Металлург" спорт клубининг мурабийи Илҳом Ҳамзаалиев.
Минтақадаги ўн тўрт жамоа биринчилик учун курашган бу халқаро турнирда бекободлик ёш футболчилар кизиқарли ўйин кўрсатди.
Юсуф ЖҲМАЕВ.



Мулоҳаза учун мавзу

лади ёки аксинча.
Хўш, туманларимизда ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтлари қандай ўтаяпти? Биз масалаларга оид амалий ишлар билан қизиқдик.
— Туманимизда 74 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 29404 нафар ўқувчи тахсил олади. Ушбу мактаблар қoшида 1050 та фан тўғараклари фаолият юритмоқда. Тўғар-

таълим борасида самарали фаолият юритаётган муассасалардан яна бири — ўқувчи-ёшларнинг техник ижодиёт маркази бўлиб, 410 ўқувчи ўзлари қизиқадиган ўн та тўғарак машғулотларида иштирок этмоқда. Марказнинг расдиотехника, мусиқа асабларини солаш, харақатли ўйинчоқлар ясаш, илмоқли тўқиш, компьютер сабоқлари ва инглиз

табда 35 нафар малакали педагог ходим болаларга фортепьяно, хор, доира, миллий мусиқа, рақс каби олти та йўналишда яқка тартибда сабоқ бермоқда.
Ёшлигидаёқ нафис санъат билан ошно бўлиб, унинг силрини эгаллаш боланинг келажак ҳаётида жуда катта имкониятдир. Энди унинг ҳаёт йўли, мақсади бевосита санъат билан боғлиқ бўлади. Санъат йўли машаққатли бўлиш баробарида, ардоқли ва шарафли.
Мактабдан ташқари таълим муассасаларида муайян ишлар олиб борилаётган бўлса-да, уларга болаларнинг жалб этиш даражаси ҳали жуда пастлиги (0,8-2,8 фоиз) бу борада аначгина ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатади. Шу ўринда ота-оналарга жуда кўп нарсани боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, боланинг бўш вақтига мазмун киритиш, унинг қизиқиш ва имкониятини ҳисобга олган ҳолда тўғри йўналиш бериш бевосита улар зиммасидаги вазифадир. Қолаверса, бир қатор тўғаракларнинг пулли эканлигини эътиборга олсақ, зиммадаги масъулият янада ойдинлашади.
Болалар — келажакимиз, деимиз. Бу — ота-онанинг келажак, жамият ва мамлакат келажак.
Боланинг шу бугунги бўш вақти қандай ўтиши юрт келажакига бевосита дахлдор бўлган муҳим масаладир.
Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

БАҲОРГА АТАЛГАН ҚҲШИҚЛАР

Наврўз муносабати билан жойларда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, мусикий дастурлар бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси томонидан "Ассалом, Наврўз!" деб номланган ая шундай концерт ўтказилди. Унга ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила-лар вақиллари, нуруний отахон ва онахонлар тақлиф этилди.

Жорий йилнинг январь ойида "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида "Қалбимиз Ватан маҳми" республика кўрик-танлови ташкил этилган эди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўқазтириш тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Наврўз ҳақидаги энг яхши қўшиқларни саралаш мақсадида ўтказилган мазкур танловда профессионал хонандлар, хаваскор қўшиқчилар, бадий жамоллар, олий ўқув юрларининг талабалари ва бадий гуруҳлари иштирок этди.

Концертда мазкур танловнинг голиб ва совриндорлари, шунингдек, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта мусикий дастур намойиш этилди.

Назoкат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Маҳалла чеккасидаги бекатда ўн чоғли бола бекорчиликдан тўпланиб, у ёк — бу ёқдан гаплашиб ўтиришибди. Ора-чора сўқиниб ҳам қўйишади.
— Футбол ўйнаймизми, болалар? — деди улардан бири. Бошқаси бепарво қўл силтади:
— Хали ер лой, бўлмайд.

— Қани, pistaдан чиқар, бўлмаса.
Улар pista чақишиб, яна валақлашди. Шу пайт бекат ёнидан ўтиб кетаётган амаки дағдага қилди:
— Ҳой, бекорчиқўжлар, pista чакиб, ҳамма ёқни пўчоқ қилиб ташлабсизлар. Қани, ўй-ўйларингга жўнаб қолларингчи, ҳамман!

Болалар бемаҳал пайдо бўлган амакига норози кифада бир-бир қараб, секин-аста тарқала бошлади-лар.
«Қамма ёмонлиқнинг илдизи — бекорчилик» деган қадим донишмандлардан бири. Ҳа, бўш вақт бекорчиликка айланмаган бўлса, ундан қачондир бир иллат туғилиши шубҳасиз. Шундай экан, бола тарбиясида бўш вақтнинг, уни қандай ўтказишни аҳамияти жуда муҳим.

Бўш вақт. У катта мақсадга эришиш йўлидаги зарур имкониятга ҳам, ёхуд ҳеч қандай мақсадсиз кечадиган шунчаки, бекорчиликка ҳам айланмиши мумкин. Асосий масала — мақсадда. Агар фарзанднинг, унинг тарбиясига, тақдирига бепарқ бўлмаган ота-онанинг, устозларнинг мақсади аниқ бўлса, бўш вақт, албатта, бирор фойдали машғулот билан тўлдир-

БҲШ ВАҚТ

ИМКОНИЯТМИ ЁКИ БЕКОРЧИЛИК?!

рак машғулотларида жами ўқувчиларнинг 73 фоизи қатнашмоқда, — дейди Ўртачирик тумани халқ таълими бўлими мактабдан ташқари таълим услубчиси Саида Абдурашулова.

Мутахассиснинг айтишича, туман ҳудудида 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳам фаолият юритмоқда. Жумладан, ўқувчи-ёшлар ижодиёт марказидаги 20 та тўғаракда 820 нафар ўқувчи қамраб олинган.
— Ижодиёт марказида «Ёш хунарманд», «Бадий мунчоқ», тикувчилик, ёш доирачилар ва рақс тўғарига ишламоқда. Марказдаги 5 та ҳамда жойлардаги 15 та тўғарак иштирокчиларига ўн нафар малакали педагог устозлик қилаётди.
Мактабдан ташқари

тили каби тўғараклари борки, уларда машғулот ўтатган ёшларнинг келажак порлоқ бўлишига астойдил ишонасан, киши.
Туман марказий ўйингоҳи қoшида фаолият юритаётган спорт мактабида бугунги кунда 720 ўқувчи машғулот ўтмоқда. Спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, миллий кураш, теннис, таэквандо каби қатор турлари га болалар катта қизиқиш ва зўр иштиёқ билан қатнашди-лар.
Мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳақида гап кетар экан, бу борадаги яна бир муҳим йўналиш — болалар санъат мактаби фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 1978 йили қўрилган замонавий бинода фаолият юритаётган бу мак-

табдан ташқари таълим муассасаларида муайян ишлар олиб борилаётган бўлса-да, уларга болаларнинг жалб этиш даражаси ҳали жуда пастлиги (0,8-2,8 фоиз) бу борада аначгина ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатади. Шу ўринда ота-оналарга жуда кўп нарсани боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, боланинг бўш вақтига мазмун киритиш, унинг қизиқиш ва имкониятини ҳисобга олган ҳолда тўғри йўналиш бериш бевосита улар зиммасидаги вазифадир. Қолаверса, бир қатор тўғаракларнинг пулли эканлигини эътиборга олсақ, зиммадаги масъулият янада ойдинлашади.
Болалар — келажакимиз, деимиз. Бу — ота-онанинг келажак, жамият ва мамлакат келажак.
Боланинг шу бугунги бўш вақти қандай ўтиши юрт келажакига бевосита дахлдор бўлган муҳим масаладир.
Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

Қилмиш-қилмиш

Телефон ишқибози

Бирор фойдали меҳнат билан шуғулланишдан кўра, биронинг тайёр мулкига эга чиқинчи афзал кўрган Ч. Турғун оқибатда ўзига муаммо орттирди. Ўртачирик туманидаги хонандлардан бирига, уйда ҳеч қим йўқлигидан фойдаланиб, осонгина қириб олғач, у бир дунё бойлиқни қўлга киритди, деб ҳисоблаган кўринди.
Лекин уйдан нархи тахминан 150 минг сўм бўлган "LG" русумли уяли телефонни ўғирлади-ю, бошқа қўлга олиниб буюм тополмагач, жуфтакни ростлаб қолди. Бирок, телефон "ишқибози"нинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Тезкор чора-тадбирлар натижасида Ч. Турғун ашўвий далил билан қўлга олинди.

Савдо пишмади

Ҳозир гиёҳвандлик инсон умрига завол келтирувчи иллат эканлигини англамаган шахс бўлмаса керак. Бирок, қўрибиблиб туриб, бу захри қотилиш пуллаш ораксидан мўмай даромадга эга бўлишни кўзлаётган юртдошларимиз ҳамон уяраб турибди.
Чирчиқ шаҳрида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида шундай иллатлардан бири фoш этилди. Чирчиқлик М. Ўткир тенгдоши С. Юнусга "героин" гиёҳвандлик моддасини 40 минг сўмга сотаётган вақтда ушланди. Шундай қилиб, оғуфурўннинг савдоси пишмади.

Хуршид РҲЗИЕВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази ходими.

чик аҳоли пунктларида қарийб ўн миғ аҳоли яшай таъқидланган. Ҳозир мазкур ҳудуддаги Сойғози, Сусам, Қорабалиқ, Телов ва бошқа қишлоқ фуқаролари йиғинлари аҳолиси ўттиз миғдан ошиб кетган. Турист қўлланманинг 27-саҳифасида "Все левобережне предгорные селения электрифицированы. Газификация не произведена" дейилади. Аксинча, ўн йилдан ошдики, дарёнинг чоп қирғоғидаги қишлоқлар аҳолиси Олмаликдан тортилган қувурлар орқали табиий газдан фойдаланмоқда. Шунингдек, бундай эскирган маълумотлар бошқа айрим туман ва шаҳарлар тавсифида ҳам учрайди. Кейинги нашр жараёнида уларни тўғрилаш мумкин бўлар, деб ўйлаймиз.

Яна бир гап. Йўл кўрсаткич-маълумотномада фикр юритилаётган худуднинг хари-таси, унга Тошкент шаҳридан олиб борадиган йўл алоҳида рангли чиқиб билан кўрсатилган ҳолда берилса, чет эллик меҳмонларда аниқроқ тасаву-ру ҳосил қилар эди, деб ўйлаймиз.
Хуллас, А. Рўзиқўжаев шу вақтга қадар ҳеч қим ҳафсала қилмаган аҳойиб ишни би-ринчи бўлиб амалга оширган. Бу унинг шубҳасиз, катта ютуғи. Китоб тўдрилиш ва маълумотлар янгиланган ҳолда қайта нашр этилса, сайёҳларнинг ишончи ҳамроҳи га айланар эди.

Исомиддин ЁРМАТОВ,
вилоят давлат педагогика институти филология факультети декани,
филология фанлари доктори.

Юнусобод туманидаги "AVTOUZBEGIM" МҲК (ИНН 205480162) "AVTOUZBEGIM" нодавлат таълим муассасасига айлантирилаётганлигини маълум қилади. Тел.: 234-58-48.

Ҳамаза тумани ҳоқимлиги томонидан 07.02.2008 йилда хусусий тадбиркор Сайсултанов Фарход Махсудович номига реестрдаги тартиб рақами 0703334, гувоҳнома рақами 07-02293-сонли яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный план дома (БТИ) располуженный по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, м-в Ибн-Сино-1, дом 12, кв. 63, выданный на имя Холматова Дильшоа Мамазразиковича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Чилонзор туманидан рўйхатдан ўтган "BUNYOD-BIZNES" (ИНН 205531485) хусусий корхонаси ҳуқуқий мақомини МҲК (масъулияти чекланган жамияти)га ўзгартирмоқда. Тел.: 454-76-44.

ООО «MULTI PAY SYSTEMS» (ИНН 301079192, ОКОНХ 84200) Мирзо Улугбекского района г. Ташкент сообщается об уменьшении уставного фонда с 60 000 000 сумов до 30 000 000 сумов. Тел.: 252-15-20.

Утерянные документы — план дома, ордер, договор купли-продажи по адресу: Сергели-8, дом 79, кв. 58, выданные в 1994 году Якасарайским районом на имя Тиллабаева Алижона Нигматовича,


СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Утерянный план дома, выданный БТИ Чиланзарского района г. Ташкент на имя Конивец Андриян Владимировича, расположенный по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, 8-квартал, дом 39, кв. 41,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун ре-лама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рассом хандаси



Хусан СОДИКОВ чизган сурат.

Саломат бўлинг

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАНГ

Грипп — ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни келтириб чиқарувчи вируснинг ҳозирги кунда ҳар хил турлари мавжуд. Касаллик нафас олиш йўллари орқали юқадки. Бемор гапирганда, йўталганда ва аксирганда у ҳавога чиқадки. Соғлом одам бемор ишлатган буюм, идиш-товоқдан фойдаланганида ҳам касаллик юқадки.

Вируслар ҳавода анча вақтгача сақланиб қолади. Шунинг учун бемор турган хона, ишона, умумий транспорт восталари ва бошқа жамоат жойлари тез-тез шамоллатилмаса, касалликнинг юқш хавфи янада ошади.
Грипп билан касалланганда бурун битида ва оқади, аксирлади, томоқ, бош оғриди, йўтал хуруж қилади, тана ҳарорати кўтарилди.

Касалликнинг дастлабки яширин даври 2-3 кун давом этиб, соғлом одамга юқш хавфи юқори бўлади. Шу сабаб дархол шифокорни қақриш, соғлом кишилар эса, 4 қаватли докадан махсус ниқоб тақиб, ҳар 4 соатда алмаштириб туришлари лозим. Ҳар кимнинг соғлиги

ўз қўлида. Агар соғлом турмуш тарзи амаллари га риоя қилиб, иммун тизими мустаҳкамлаб турилса, гриппни енгиш мумкин. Афсуски, баъзилар касаллик юқмас, деб бепарво бўладилар. Касаллангандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Чунки, гриппнинг асорати хавфли. У ўпканинг шамоллаши (зотилжам), қуллоқ ва мианинг яллиғлинишига олиб келади.

Касалликнинг олдини олишнинг яна бир самарали усули унга қарши вакциналар билан эмлашдир.
Фарида КОМИЛОВА,
саломатлик ва табиий статистика институти вилоят филиали бўлим мудир.

СКАНВОРД

Девы (актриса)	Балқ тур	Крап-сийоқ балқ	...мо...тор	Зўрға	Илҳом
			Қўшнинг уяш органи		
Эрондаги шаҳар	Бразилиядаги яннат	...нат...май...	Юнусов (актёр)	Крузо яннатга жой	
Шан...пан	Италиядаги энг катта дарё		...жимид		
	Бад рақси		Сон		
Савдо солик тури	Жў...воҳир	Кўеи худоси	...ипора		
Тамом		...Ау...ми...	Ҳақтўв, адолатли		

Тузувчи: Нигора ТОШЕВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.